



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 21 июль, № 147 (9318)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июль куни
Беларусь Республикаси Бош вазирининг ўринбосари
Виктор Каранкевич бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юкори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Беларусь Президенти Александр Лукашенкoning самимий

саломи ва эзгу тилакларини етказди. Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада

кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Мамлакатимиз етакчисининг шу йил 8-9 июль кунлари Минск шахрига амалга

оширган расмий ташрифи, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада самарали натижалар бергани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш ҳажми-ни 2 миллиард долларга етказиш ҳамда иқтисодиётнинг устувор тармоқларида кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида қабул қилинган чора-тадбирлар режасини ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги таъкидланди.

Юртимизда биринчи атом электр станцияси ва турдош инфраструктурани барпо этишда Беларусь тажрибасидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак атом электр станциясини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация қилиш жараёنларини экспертлик жиҳатидан қўллаб-қувватлаш, соҳа учун миллий кадрларни тайёрлаш ҳамда тегишли олий таълим муассасалари ўртасида қўшма дастурларни йўлга қўйиш шулар жумласидан.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТЛИ ҲАМДА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ичимлик ва оқова сув хизматларини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда соҳага жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 карра ошиб, 2,7 миллиард долларга етди. Натижада аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 2017 йилдаги 63 фоиздан қарийб 83 фоизга кўтарилди.

Шу даврда 7,7 миллион аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, 11 миллион аҳолининг суви таъминоти яхшиланди, яна 1,1 миллион киши канализация тизимига уланди. 39 минг километр ичимлик суви ва 3,2 минг километр оқова сув тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди. 3,4 мингта ичимлик суви иншооти, 295 та оқова сув иншооти ва насос станцияси барпо этилди ҳамда янгиланди.

Келгуси йилларда ичимлик суви таъминотини 90 фоизга, шахарларда канализация хизмати қамровини 80 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бунинг учун қўшимча 1,3 миллиард доллар инвестиция жалб этилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари эришилган натижалар билан бирга лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш тизими ҳали талаб даражасида эмаслигини кўрсатиб ўтди.

Хусусан, Андижон шахридаги канализация тизимида юзга келган муаммоларни бартараф этиш учун 107 миллиард сўм ажратилди. Сергели туманида ёқимсиз хид тарқалишининг олдини олиш мақсадида замонавий филтрларни ўрнатиш ишлари бошланди.

Сурхондарё вилояти аҳолисини Тўполанг сув омборидан ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси доирасида Термиз шахрига тармоқ тортиб келинди. Йил якунига қадар Шеробод, Музработ, Ангор ва Жарқўрғон туманларига ҳам сув етказиб берилиши белгиланди.

Тақдимотда ҳудудлардаги энг долзарб масалаларни ҳал қилишга қаратилган аниқ вазифалар кўрсатиб ўтилди. Жумладан, 513 та маҳаллага

марказлашган ичимлик сувини олиб бориш, яна 3 мингта маҳаллада таъминот сифатини яхшилаш зарурлиги таъкидланди.

Ичимлик сувини хонадонга-ча етказиш ишларини тўлиқ якунлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда 232 мингта сув колонкаси ўрнига тармоқларни бевосита уйларагача тортиш кўзда тутилган.

Йил якунига қадар умумий қиймати 600 миллион долларлик ишлар амалга оширилади. Уларнинг доирасида 1,6 минг километр ичимлик суви ва 387 километр канализация тармоғи, 80 та сув ҳамда 29 та оқова сув иншооти қурилади.

Натижада 107 та маҳалладаги 310 минг аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланади, 453 та маҳаллада истиқомат қилувчи 2,5 миллион аҳоли учун сув таъминоти яхшиланади. Қашқадарё вилоятида Ҳисорак сув омборидан ичимлик суви олиб келиш лойиҳасини жадаллаштириш вазифасини қўйилди. Қиймати 217 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳа Қамати, Ғузор ва Қарши туманлари ҳамда Қарши шахридаги 1,1 миллион аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш имконини беради.

Мутасаддиларга лойиҳанинг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари экспертизасини қисқа муддатда якунлаш ва молиялаштириш манбасини аниқлаш топширилди.

Шунингдек, Фарғона, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида ичимлик ва оқова сув тизимларини ривожлантириш бўйича қарз ва грант битимларини имзолаш, пойтахтда янги канализация иншоотини қуриш лойиҳаси юзасидан якуний ҳулоса қиритиш вазифалари белгиланди.

1 сентябрга қадар умумий қиймати 317 миллион долларлик 6 та лойиҳа бўйича хорижий ҳамкорлар билан музокара-ларни якунлаш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш зарурлиги қайд этилди.



ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ



режалаштирилаётган қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлисининг тартибига киритилиши

Фракциялар ҳаёти

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш муддати ўзгармоқда

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида божхонага оид жиноятлар бўйича жазо чораларини мутаносиблик принципи мувофиқлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари қонун ло-

йиҳаси божхона соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштиришга, жазо чораларининг мутаносиблигини таъминлашга ҳамда божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилганини таъкидлаб, уни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг ер участкаларига

бўлган ҳуқуқларни тизимлаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда айтилганидек, қонун лойиҳаси билан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ижарага бериш муддатини амалдаги ўттиз йилдан қирқ тўққиз йилга узайтириш тақлиф этилмоқда. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини ижарага беришнинг энг кўп муддати эса қирқ тўққиз йил қилиб белгиланмоқда. Шунингдек, чет эл фуқаролари ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалиги ерларидан иккиламчи ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиш тартиби назарда тутилмоқда.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.



Сенат қўмитасида ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, таълим, иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган муҳим қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.



Хусусан, “Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг Тоза энергия маркази уставини (Ашхобод, 2021 йил 27 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунни кўриб чиқиш мобайнида таъкидланганидек, бугунги кунда энергия хавфсизлигини таъминлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш халқаро ҳамжамиятнинг устувор вазифаларидан бирига айланган.

Мазкур ҳужжатнинг ратификация қилиниши Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги халқаро ҳамкорлигини янада кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт тамойилларини изчил жорий этиш ҳамда барқарор энергетика соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.



Сенаторлар — ҳудудларда МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ҚАШҚАДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Абдулҳаким Эшмуратов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятида суд қарорлари ижросини таъминлаш, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимини ўрганди.

Дастлаб Қарши тажрибаси асосида фуқаролар мурожаатлари билан ишлашнинг янги ёндашувлари билан танишилди. Хусусан, шаҳар ҳокимлиги ҳузурида ташкиллаштирилган штаб фаолияти, мурожаатларни тизимли таҳлил қилиш, уларни манзилли ҳал этиш, ҳар бир мурожаат юзасидан аниқ чоралар белгилаш ҳамда ижро интизомини таъминлаш бўйича йўлга қўйилган амалиёт кўздан кечирилди.



АҲОЛИНИНГ ҚАНЧА ҚИСМИ КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАРДА ЯШАМОҚДА?



Факт ва рақамлар

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг дастлабки натижаларига кўра, мамлакатимиз нуфусининг **4,8 млн. нафари** кўп қаватли уйлардаги хонадонларда истиқомат қилади.

Бу жами аҳолининг **12,4 фоизи**ни ташкил этади.

Одамларнинг яшаш жойи турлари бўйича тақсимланиши қуйидагича:

— шахсий якка тартибдаги ҳовлиларда **33,3 млн.** киши — **85,3** фоиз;

— кўп қаватли уйлардаги хонадонларда **4,8 млн.** киши — **12,4** фоиз;

— бошқа турдаги тураржойларда **927,3 минг** киши — **2,3** фоиз. (Мазкур турдаги тураржойларга дала-ҳовли, ётоқхона, меҳмонхона ва бошқа яшаш жойлари қиради).



ИЧИМЛИК ВА ОҚОВА СУВ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТЛИ ҲАМДА ЗАМОН ТАЛАБЛАРИГА МОС БЎЛАДИ

Сув таъминоти корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Амалдаги тарифларни ҳисоблашнинг ҳақиқий таннариҳини тўлиқ қопламаётгани, ҳудудлар кесимида кескин фарқлар мавжудлиги соҳанинг инвестициявий жозибдорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Шу муносабат билан ичимлик сувини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш вазифаларини ажратиш, Магистраль сув таъминоти корхонасини ташкил этиш тақдир қилинди. У ҳудудий корхоналарга ичимлик сувини ягона улгурчи тариф асосида етказиб беради.

Ичимлик ва оқова сув хизматла-

ри тарифларини шаффоф ва иқтисодий асосланган мезонлар асосида белгилаш учун Идоралараро тариф комиссиясини ташкил этиш, 2027 йил 1 апрелдан бюджет ташкилотлари учун ягона тарифни жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Демографик ва иқтисодий ўсиш натижасида 2030 йилга бориб, мамлакатимизда ичимлик суви истеъмоли ҳозирги 941 миллион куб метрга нисбатан яна 230 миллион куб метрга ортishi кутилмоқда. Бу сув ресурсларини аниқ ҳисобга олиш ва йўқотишларни камайтиришни тақозо этади.

Шу боис истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларни тўлиқ онлайн тизимга ўтказиш, шаҳар ва туман марказларидаги барча истеъмолчи-

лардан масофадан маълумот узатувчи замонавий сув ҳисоблагичларини ўрнатиш белгиланди.

Сув иншоотлари ва тармоқларининг рақамли харитасини яратиш, бошқарувга "SCADA", "GIS", телеметрия ва ягона биллинг тизимларини кенг жорий этиш орқали сув йўқотишларини 35 фоиздан 25 фоизга тушириш вазифаси қўйилди.

Соҳада сунъий интеллект асосида насос ускуналарининг ишини таҳлил қилиш, авариялар ва сув оқшини олдиндан аниқлаш, истеъмол ҳажмини прогноزلаш ҳамда аҳоли мурожаатларини тезкор кўриб чиқишга қаратилган лойиҳалар ҳам тақдимот қилинди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида

"Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий тадқиқот университетида алоҳида факультет очил тақлифи қўллаб-қувватланди. Шунингдек, ҳудудлардаги техникумлар базасида ичимлик ва оқова сув йўналишида дуал таълимни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Президентимиз тақдимот якунида лойиҳаларни ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш, хизматлар қамровини кенгайтириш, корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, соҳани рақамлаштириш ва аҳоли учун қулайликларни ошириш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Ў.А.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ҚОНУНЛАР МУҲОКАМАСИ



Шунингдек, "Қозоғистон Республикаси, Қирғиз Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани (Остона, 2025 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги стратегик шериклики янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва ўзаро ишончни қучайтиришга кенг йўл очади.

Қўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислон Республикаси ўртасида маҳкумларни топшириш тўғрисидаги Битимни (Исломобод, 2026 йил 5 февраль) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, мазкур Битим хорижий давлатда озодликдан маҳрум этилган фуқароларга жазони ўз мамлакатини ҳудудидан ўтатиш имкониятини яратди. Бу эса маҳкумларнинг оила аъзолари билан алоқаларини сақлаб қолиш, уларнинг ижтимоий мос-

лашуви ва қайта ижтимоийлашуви-

вига қўмаклашади. Мажлисда "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Гиёҳвандликка қарши курашиш маркази тўғрисидаги Битимни (Тяньцзинь, 2025 йил 1 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун ҳам муҳокамага тортилди.

Жараёнда сенаторлар мазкур қонунларнинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда транслимий жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши курашиш механизмларини такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўташини кайд этиди.

Муҳокама якунида қўмита-нинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШДА ҚАШҚАДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Шунингдек, Сенатга Қашқадарё вилояти аҳолиси билан келиб тушган мурожаатлар таҳлили асосида вилоят Халқ қабулхонасида сайёр қабул ўтказилди. Унда 48 нафар фуқаронинг мурожаати кўриб чиқилди. 7 та мурожаат жойида ижобий ҳал қилинди, яна 9 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилиб, мурожаатлари қаноатлантирилди.

Жумладан, Қасби туманидаги Талишбе маҳалласида яшовчи фуқарога ишга жойлаштириш учун йўлланма берилди. Қарши шаҳрининг Арабхона маҳалласида истиқомат қилувчи фуқарога эса ҳайдовчилик гувоҳнома олиш учун зарур тўловларни қоплаб бериш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш белгиланди.

Ўрганиш якунида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш самардорлигини янада ошириш, суд қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича мавжуд амалиётни қучайтиришга қаратилган тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Ҳозирги кунда дунёда юз бераётган геосийёсий зиддиятлар, этник низолар ва диний қарама-қаршилиқлар кўлаб мамлакатларни жиддий синовларга рўбарў қилмоқда. Айрим ҳудудларда миллатлараро келишмовчиликлар ижтимоий барқарорликка путур етказиб, иқтисодий тараққиётга салбий таъсир кўрсатяпти. Ана шундай мураккаб шароитда Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакилларининг ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатлик асосида ҳаёт кечириётгани мамлакатимизнинг энг муҳим ютуқларидан бири сифатида намоён бўлмоқда.

Мулоҳаза

Кўп миллатли жамиятни бошқариш ҳар қандай давлатдан юксак масъулият талаб қилади. Бу борада юртимизда шаклланган тажриба фақат ҳуқуқий меъёрлар билан эмас, балки халқимизга хос бағрикенглик, меҳр-оқибат ва инсонпарварлик қадриятлари билан ҳам мустаҳкамланган. Асрлар давомида турли маданият ва анъаналар қорраҳасида жойлашган Ўзбекистонда турли миллат вакиллари бир-бирининг урф-одатларини ҳурмат қилиб, ягона Ватан манфаатлари йўлида ҳамжиҳатликда яшаш маданиятини шакллантирган.

Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар иқтисодийёт, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият ва давлат бошқаруви каби соҳаларда самарали фаолият юритмоқда. Барча учун муносиб меҳнат қилиш, сифатли таълим олиш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, миллий маданият ва тилини ривожлантириш бўйича зарур ҳуқуқий ҳамада амалий имко- ниятлар яратилган.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги инсон қадри- ни улуғлаш тамойилининг энг муҳим жиҳати давлат ҳар бир фуқаронинг миллати, тили ёки диний эътиқодида қатъи на- зар, унинг ҳуқуқ ва эркинлик- ларини кафолатлашни ўз зим- масига олганидир. Конститу- циямизда барча фуқаролар- нинг тенглиги мустаҳкамлан- гани мазкур сиёсатнинг

х у қ у қ и й

пойдевори- ни ташкил этади.

Миллат- лараро то- тувлик фа- қ а т г и н а қ о н у н л а р билан таъминланмайди. У кун- далик ҳаётдаги ўзаро ҳурмат, бағрикенглик, умумий мақсад ва юксак фуқаролик мадания- ти орқали қарор топади. Бугун маҳаллаларда, меҳнат жа- моаларида, таълим муассаса- ларида турли миллат вакилла- рининг елкама-елка фаолият юритиши жамиятимизда шакл- ланган ўзаро ишонч муҳити- нинг амалий ифодасидир.

Шу боис мамлакатимизда миллий маданий марказлар- нинг фаолияти янада кўлаб- қувватланмоқда. Чунки бундай марказларнинг халқлар ўрта- сидаги дўстликни мустаҳкам- лаш, миллий анъаналарни ас- раб-авайлаш, ёш авлодни бағ- рикенглик руҳида тарбиялаш- даги ҳиссаси салмоқли. Турли халқларнинг миллий байрам- лари, маданий фестиваллар ва ижодий тадбирлар нафақат миллий ўзликини сақлашга, балки жамиятда бирдамлик руҳини қучайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Айниқса, ёшлар тарбияси бу борада устувор аҳамият касб этади. Ёш авлод қал- бига миллатидан қатъи на- зар, инсонни қадрлаш, тур- ли маданиятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, Ватан қадрини учун масъу- лият ҳиссини сингдириш бу- гунги куннинг муҳим вазифа- си. Чунки миллатлараро то- тувлик, аввало, инсон онги-

да шаклланадиган маънавий қадриятдир.

Таъкидлаш лозимки, мамла- катимизда амалга оширилаёт- ган кенг қўламли иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар жамият- да тенг имкониятлар яратиш- га хизмат қилаяпти. Инвести- циялар жалб этиш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, таъ- лим ва соғлиқни сақлаш тизим- ини такомиллаштириш каби чора-тадбирлар ҳар бир фуқаронинг ҳаёт сифати яхши- ланишига қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий бар- қарорлики мустаҳкамлайди.

Барчамизга яхши аёнки, гло- бал ахборот майдонида турли ёт гоълар, миллатчилик ва му- росасизликни тарғиб қилувчи қучлар ҳам мавжуд. Бундай ша- роитда жамиятда соғлом фикр, танқидий тафаккур ва фуқаро- лик бирдамлигини қучайтириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллат- лараро тотувлигини асраш маъ- лум давлат органининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ҳам масъулиятдир.

Шу юртининг фуқароси, қолаверса, Сенат аъзоси си- фатида айтганки, мамлака- тимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик муҳитини ас- раб-авайлаш, миллатлараро ҳамжиҳатлики янада мустаҳ- камлаш барчамизнинг умумий бурчимиз. Зеро, жамиятда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик ҳўкм сурган тақдирдагина ис- лохотлар самарали кечади, иқтисодий ривожланади, халқ фаровонлиги юксалади.

Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги унинг табиий ресурс- лари ёки географик жойлашу- вида эмас. Энг катта бойлик, бу — турли миллат ва элат ва- килларининг ягона мақсад йўлида бирлашиб, тинч, аҳил ҳаёт кечириётганидир. Демак, ана шу бебаҳо қадриятни ас- раш ва келажақ авлодга етка- зиш барчамизнинг муқаддас вазифамиз бўлиб қолаверади.

Орал АТАНИЯЗОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Фан, таълим ва соғлиқни
сақлаш масалалари
қўмитаси раиси ўринбосари.

ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРДА ИНСОН МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТИ

Ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш — устувор мақсад

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ййгилишида мактабгача ва мактаб таълими вазирининг "Таълим ташкилотларида ёшларни миллий қадриятлар ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ййналтирилган Миллий тарбия моделини ишлаб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровига жавоби муҳокама қилинди.

Фракция аъзоси Васила Файзиевнинг айтишича, тақдим этилган жавобда кейинги йилларда мамлакатимизда ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, узлуксиз таълим тизимида ягона гоъвий тарбия- ни шакллантириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириш, ватанпарварлик, халққа муҳаб- бат ва садоқат фазилатларини ривожланти- риш борасида тизимли ишлар амалга оши- риляётгани баён қилинган.

Хусусан, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб мамлакатдаги барча таълим ташкилотларида "Келажақ соати" машғулотлари йўлга қўйил- ган. Мазкур лойиҳа 11,8 млн. нафардан ортиқ ўқувчи ва талабаларни қамраб олган бўлиб, машғулотлар 389 минг нафар педагог томо- нидан олиб бориломқда. Дарсларни юқори сифатда ташкил этиш мақсадида юзлаб сце- нарийлар, видеодарслар ва методик матери- аллар тайёрланиб, рақамли платформа орқали барча таълим муассасаларига етка- зилмоқда.

Вазир жавобида яна бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Жумладан, мамлакатимизда амалга ошири- ляётган тарбия сиёсати янги босқичга кўта-рилиб, илк бор Ўзбекистоннинг Миллий тарбия модели ишлаб чиқилаётгани кайд этилган. Унинг доирасида ёшларда миллий ўзликини англаш, аждодлар меросига ҳурмат, миллий гурур, ватанпарварлик, фаол фуқа- ролик, қонунга ҳурмат, танқидий фикрлаш, медиасаводхонлик ва ахборот хавфсизлиги бўйича барқарор компетенцияларни шакл- лантириш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Муҳокама чоғида фракция аъзолари соҳа- да амалга оширилаётган кенг қўламли исло- хотлар Янги Ўзбекистон тараққиётининг маъ- навий пойдеворини мустаҳкамлаш, замона- вий билим ва юксак фуқаролик масъулиятига эга авлодни тарбиялаш, мамлакатнинг интел- лектуал ва маънавий салоҳиятини янада юк- салтиришга хизмат қилишини таъкидлаб, бу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.



Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тизимлаштирилмоқда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ййгилишида "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва юри- дик шахсларнинг, фуқаролари бўлмаган шахс- ларнинг, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари тизимлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар ки- ритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамла- катимизда ер муносабатларини замонавий талаблар асосида тартибга солиш, ер ресурс- ларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, уларни ажратиш жараёнларида очилкич ва ра- қамли механизмларни кенг жорий этиш бўйича ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Маз- кур қонун лойиҳаси ана шу ислохотларнинг ман- тикий давоми бўлиб, ерга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ ва тизимли тар- тибга солишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида чет эл фуқаролари, хори- жий юридик шахслар, фуқаролари бўлмаган шахслар ҳамда чет эл инвестициялари иштиро- кдаги корхоналарнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос ху- сусиятларини белгилаш, қишлоқ ҳўжалигига мўйхалланган ва мўйхалланмаган ер участка- ларини ижарага бериш муносабатларини тако- миллаштириш, ер ҳуқуқларини бекор қилиш тар- тибини янада аниқлашга қаратилган қатор ҳуқуқий нормалар назарда тутилган.

Фракция аъзолари муҳокама жараёнида тақ- лиф этиляётган нормаларнинг амалиётда қўлла- нилиши, уларнинг ҳуқуқий аниқлиги ҳамда мулк- дорлар, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг қонуний манфаатларини таъ- минлашдаги аҳамияти юзасидан фикр-мулоҳа- заларини билдирди.

Фракция аъзоси Гулнора Абдувоҳидовнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қили- ниши ер муносабатларини янада тизимлашти-

Мунозараларда қандай масалалар кўтарилди?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ййгилишида дастлаб ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, фуқароларнинг кўчмас мулк қурилишида маблағларининг йўқо- тилишига чек қўйиш, самарали назорат меха- низмларини жорий этиш мақсадида шаҳарсоз- лик талабларини кўпол равишда бузганлик учун молиявий санкциялар қўлашнин назарда тутув- чи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида депутатлар қурилиш ишла- ри устидан давлат назорати самарадорлигини ошириш, назорат органлари масъулиятини яна- да қучайтириш, ҳуқуқий таъсир механизмлари- нинг амалдаги натижадорлигини таҳлил қилиш юзасидан қатор тақлиф ва мулоҳазаларни бил- дирди.

Хусусан, депутат Зокиржон Зоҳидов давлат қурилиш назорати томонидан минглаб ҳуқуқбу- зарликлар аниқланаётганига қарамаздан, асосий жавобгарлик фақат қурувчилар зиммаси- га юкланаётганини таъкидлади. У ҳудудларга масъ- ул инспекторлар ўз вақтида назоратни амалга оширмаган тақдирда уларнинг масъулияти қан- дай баҳоланиши масаласини ўртага ташлади.

Депутат Анвархон Темиров эса лицензияни берган ваколатли органининг масъулияти, элек- трон рухсатномалар бериш жараёнида тадбир- корлар учун бюрократик тўсиқлар юзгаг кел- маслиги ҳамда молиявий санкциялардан туша- диган маблағларни махсус жамғармаларга ййналтиришнинг ҳуқуқий асослари юзасидан савол- лар берди.

Қонун ташаббускорлари кўтарилган саволлар- га атрофчила тушунтириш берди.

Муҳокамада сўз олган фракция аъзоси Шарофиддин Назаров молиявий санкциялар жо- рий этилиши етарли даражада асосланмагани- ни айтди. Унинг фикрича, санкциялар давлат органлари ҳаражатларини қоплаш воситаси эмас, балки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш- га хизмат қилиши керак. Шу боис қонун лойи- ҳасининг тушунтириш хатида мазкур ёндашу- внинг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари янада аниқ

ёритилиши лозимлиги таъкидланди. Қолаверса, бош режаларни ишлаб чиқишга ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга Давлат бюджетидан маблағ ажратилиши, лойиҳадаги айна меъёр давлат молиявий тизимига ҳам мос эмаслиги айтилди.

Фракция аъзолари ҳам ушбу позицияни қўллаб-қувватлади. Қонун лойиҳасининг тушу- нтириш хатида бундай чораларни қўлашнинг аниқ асослари, қўтиляётган натижалари ҳамда улар- нинг амалдаги қонунчилик билан уйғунлиги яна- да тўлиқ ёритилиши зарурлиги таъкидланди.

Ййгилишида миграция соҳасидаги қонунчилик- ни такомиллаштиришга қаратилган қонун лойи- ҳаси ҳам муҳокама қилинди. Депутат Сайёра Имомова чет эл фуқаролари ҳақидаги маъ- лумотларни соғлиқни сақлаш, маҳалла ва бошқа идоралар ўртасида ўзаро интеграциялашган ҳолда юритиш имкониятлари билан қизикди.



Қонун ташаббускорлари "Электрон ҳуқумат" платформаси орқали тегишли ахборот тизим- лари интеграция қилинганини, аммо масъул таш- килотлар маълумотларни ўз вақтида киритма- гани сабабли тизим тўлиқ ишламаётганини таъ- кидлади. Шу боис мазкур қонун лойиҳаси орқа- ли жавобгарлик қучайтирилиб, ахборот тизим- ларининг самарали ишлаши таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Муҳокама якунида кун тартибидидаги барча ма- салалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шаҳарсозлик талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари қучайтирилмоқда

Ўзбекистон Экологик партияси фракция- си ййгилишида дастлаб, шаҳарсозлик соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликини қу- чайтириш ва урбанизация жараёнларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратил- ган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Муҳокама чоғида кейинги йилларда мамла- катимизда шаҳарсозлик соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, қурилиш жа-

раёнларининг шаффофлигини таъминлаш, но- қонуний қурилишларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг мулкий ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Шу билан бирга, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, лойиҳа ҳўжатларидан четга чи- қиш ва урбанизация тамойилларига амал қил- маслик ҳолатларига йўл қўймаслик, қурилиш- монтаж ишларида белгиланган тартибларга риоя этилишини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб бўлмоқда. Бу борадаги мавжуд муаммолар аҳоли хавфсизли- гига, шаҳарларни режалар ривожлантиришга, му- хандислик ва ижтимоий инфраструктурани та- комиллаштиришга таъсир кўрсатмоқда.

Қонун лойиҳаси билан Шаҳарсозлик кодекси ва "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун- га қатор ўзгартириш ва қўшимчалар ки- ритилмоқда.

Хусусан, соҳада Урбанизация ва уй- жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитасининг шаҳарларни ком- плекс ривожлантириш, қулай, хавфсиз ва уйғун шаҳар муҳитини шакллантириш соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, шаҳарсозлик талаб- ларини кўпол равишда бузганлик, яъни ноқонуний қурилишларни амалга оши- риш, шунингдек, қурилиш-монтаж ишла- рини бош режа, мастер-режа ва қури- лиш лойиҳаси талабларини бузган ҳолда амалга оширганлик учун жавобгарлик чо- ралари қучайтиряпти.

— Мазкур қонун лойиҳасининг мақсади ша- ҳарсозлик соҳасида қонун устуворлигини таъ- минлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, қурилиш маданиятини юксалтириш ҳамда аҳоли манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, — дейди фракция аъзоси Мохира Хўжаева.

Муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди. Ййгилишида "Ҳуқуқий ахборотни проактив шаклда етказиш тизими жорий этилиши муно- сабати билан "Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойи- ҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда инновацион ёндашувларни жорий этиш, аҳолининг турли кат- ламларида ҳуқуқий маълумотларни манзилли, мақ- садли ва проактив тарзда етказишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Муҳокама якунида қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига

Бугунги кунда Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидан қатъият билан бормоқда. Биз бу янги Уйғониш даврини илм-фан, инновациялар, замонавий таълим, жамиятнинг маънавий-интеллектуал ўсиши, бой тарихий меросимизга чуқур ҳурмат ва ҳар бир инсоннинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга асосланган янги тараққиёт босқичи сифатида кўрамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАРАҚҚИЁТ

жамият равнақининг ҳал қилувчи стратегик кучидир

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда илк бор ўтказилган Ислом цивилизацияси халқаро форуми иштирокчиларига йўллаган мурожаатида жадал ўзгаришлар ва технологиялар мислсиз суръатларда ривожланаётган ҳозирги даврда айнан илм-маърифат, маънавий ва интеллектуал тараққиёт жамият равнақининг ҳал қилувчи кучи эканини алоҳида таъкидлади. Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали дунёда фақат илм-фан, таълим-тарбия, маданият ҳамда юксак ахлоқий қадриятларгина Ер юзиде тинчлик, ўзаро тушуниш, ижтимоий ҳамжиҳатлик ва барқарор ривожланиш учун ишончли пойдевор бўла олиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат экани кундай равшан бўлиб бормоқда.

Шу боис мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг бугунги ҳал қилувчи босқичида илм-фанни ривожлантириш, умуминсоний қадриятларни асраш ва келгуси авлодларга безавол етказиш, ўз ҳаётини мазкур соҳа ривожига бахш этган маърифат-парвар инсонлар, олим ва алломалар бой илмий меросини абадийлаштириш устувор вазифага айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд қилинган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, шубҳасиз, ушбу йўналишдаги ишларнинг гулгоҳи бўлди, десак, айни ҳақиқат. Зеро, у ўтмиш билан келажакни, Шарқ билан Ғарбни, қадим аъёналар билан замонавий илмий ютуқларни ўзаро боғлайдиган бамисоли интеллектуал кўприқдир.

Янги тамаддун остонаси

Тарихдан аён, қаердаки илм ахлига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг захматли меҳнати қадрланса, муносиб шароит яратилса, ўша жойда илм-маърифат, фан ва таълим гуллаб-яшнаб, буюк ўзгаришларга асос бўлган. Бунга бир эмас икки Уйғониш даврига бешик бўлган заминимизда жонли мисоллар жуда кўп. Жаҳондаги энг қадимий илмий масканлар айнан юртимиз худудида бунёд этилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, заминимизда хоразмийлик маъмунийлар сулоласи томонидан илм-маърифатга очилган ирмоқ вақт келиб, теурийлар даврида улкан дарёга айланди. Унинг зилол сувлари теурийлар даврида нафакат Шарқ, балки бутун оламга илм-фан ва маърифат уруғини ёйиб, мўл-кўл ҳосил берди. Яъни “Марказий Осиёда муслмон ренессанси” дея ном олган биринчи Уйғониш даври IX — XII асрларда осмон қадар бўйлаган бўлса, иккинчи XIV — XVI асрларда кузатилган. Бугун эса навбатдаги тамаддун — учинчи Ренессанс бўсағида турибмиз.

Маълумки, Ренессанс инсон эҳтиёжлари, эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашдан бошланади. Шу маънода, бугун оламшумул ўзгаришларга гувоҳ бўлган кутлуг заминимизда навбатдаги эвришлишларга мустақам пойдевор қўйилляпти: инсон қадри улуғланяпти, ёшларга кенг имкони-ятлар эшиги очиб берилмоқда. Зотан, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар инсон қадрини кўтариш, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтиришдек эзгу мақсадга йўғрилган. Айни чоғда Президентимизнинг сиёсий иродаси туфайли эркин ва демократик сиёсий муҳит, адолатли жамият, илм-фан ривожини учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Бу давлатимиз раҳбарининг “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратилиши керак”, деган даъватига ҳамоҳанг олиб борилаётган тизимли янгиланишларнинг амалдаги инъикосидир.

Ўтмишга бокиб ҳолис таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат бошқарувида олиб борилган одил сиёсат, давлатнинг илм-маърифатга кучли эътибори, таълим-тарбия устувор этиб қўйилгани ҳар иккала Уйғониш даврида ҳам энг муҳим жиҳат бўлган. Қола-



верса, одамларда илм-фанга ташналик билан бирга, борлиқ сирларини очиш ва янги илм яратишга иштиёқ кучли бўлган. Натижада олимларимиз ўзлари сезмаган ҳолда Ренессанс даврининг бунёдкорларига айланган. Масалага ана шу жиҳатдан ёндашилса, охириги ун йилликда асрларга татигулик ўзгаришлар рўй берганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бинобарин, Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган тинчлик сиёсатини, барча соҳада олиб борилаётган инқилобий ислохотларни, халқаро микёсдаги дўст биродарлик муносабатларини, хусусан, илм-фан, таълим йўналишидаги мислсиз инновацион янгиланишлар, олим ва зиёлиларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, ёшлар таълим-тарбияси йўлида бажарилаётган кўламдор ишларни маърифатпарвар Хоразмшоҳ Али ибн Маъмуний, адолатпарвар соҳибқирон Амир Теурунинг тутумларига қиёслаш мумкин. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбари сифатида асосий сиёсий ислохотларининг бош мақсади Ўзбекистонни ривожланган, ҳар томонлама илгор мамлакатга айлантириш бўлиб, жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновациялар бунга эришиш йўли сифатида танланган.

Музларни эритган ташаббус

Янги Ўзбекистон солномасига битилаётган тарихий эвришлишлар хорижийлик олимларнинг диққат эътибори марказида бўлиб турибди. Яқинда АҚШнинг Нью-Йорк штатида яшайдиган олим, биология фанлари доктори, профессор, академик Эфром Гурман билан суҳбатлашиб, бунга яна бир қараишон ҳосил қилдим.

Олим шундай деди: “Президент Шавкат Мирзиёев дунё давлатлари раҳбарлари орасида биринчи бўлиб “Халқимиз келажақда эмас, бугун ҳам яхши яшаши керак” деган улуғ мақсад, эзгу вазифани илгари сурди ва бунинг ечимини ҳам топиб берди. Айниқса, унинг учинчи Ренессанс ғояси ниҳоятда ажойиб. Сабаби, бугунги илму фанга асосланган, дунёни фақатгина илм билан бошқариш мумкин бўлган замонда шундай ғояларгина қудратли куч касб эта олади”.

Кузатаётган бўлсангиз, Ўзбекистонда кейинги йилларда илм-фан, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ана шу қатъият, интилиш ўз ифодасини топиб боряпти. Бу учинчи Ренессанс кўшиги уйғонаётганидан далолат. Шунинг учун биз, олимлар янги тамаддун узоқ истиқболда эмас, аксинча, бизнинг замонамизда рўй беради, деган қатъий позицияда-миз.

Ахир тараққиёт илмга асосланади. Унинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шулар ҳақида сўз юритилганда, ёдимга яқин ўтган кунлар тушаверади. Буни ўтмишга тош отишга йўйманг. Негаки, тарихини парда билан тўсиб бўлмайди. Истиқлолга эришилгандан кейинги илк йилларда илм ва илм ахли “унутилгани” ҳаммамизнинг ёдимизда. Гарчи ўша кезларда матбуотда бу ҳақда бонор урилган, ёзув-

чилар асарларида “Ипподром”да сигарет сотаётган олим образи пайдо бўлган эса-да, негадир жамият буни “ўтиш даври ҳосилалари” деб билди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг жабрини узоқ тортдик. Энг ёмони, бир авлод онгига “Ўқиб нима бўлардинг?!” деган мафкура сингиб қолди. Айнан шуниси даҳшатли ақида. Зотан, илмга рағбатнинг йўқолиши жамиятда янги бир қатламнинг — диплом учун ўқийдиганларнинг юзига келишига сабаб бўлди. Албатта, бу қисқа бир фурсатнинг берган “мева”лари эди.

Шавкат Мирзиёев давлатимиз раҳбари этиб сайлангач, таълим, илм-фан соҳасидаги музлар эрий бошлади. Ўртбошимиз 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатнинг етакчи илм-фан намояндалари, академиклар билан учрашувда жамият олдиде турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин эканини таъкидлаб, барча соҳа қаторида илм-фан ривожини ҳам янги босқичга кўтариш вазифасини қўйди. Натижада бамисоли қуриб-қақшаб ётган ерларга обихаёт кириб келди. Боиси, жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва фанлар академиялари билан илмий алоқалар тикланди. Хорижнинг етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратиб бериш, уларни рағбатлантириш юзасидан аниқ кўрилган чора-тадбирлар кутилган самараларни бера бошлади. Бу мамлакатимизда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасида давлат сиёсатининг устувор

“Давлатимиз етакчиси ҳам ислохотлар шиддати йил сайин ортиб бораётган ҳозирги шароитда ҳамма масаланинг ечимини таълимда, илмда кўрмоқда. Негаки, глобал рақобат шароитида мамлакатларнинг устуналиги, аввало, билим, технология ва инсон капитали билан белгиланади. Президентимиз яқинда мамлакат ёшлари билан учрашувда уларга қарата билан эмас — билими билан, аҳоли сони билан эмас — технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас — инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Энди замонавий илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги иқтисодиёт — билимлар иқтисодиёти ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда”.

йўналишига айлантирилгани туфайлидир.

Албатта, охириги ун йилликда оилада фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётида муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган ҳаёт ва улзуксиз тизим яратилди. Мазкур жараёнда инсон капиталига эътиборини янада кучайтириш, бунинг учун барча имкони-ятни сафарбар қилиш бора-сида муҳим дастур ва лойиҳалар амалга оширилляпти. Бунда учинчи Ренессанснинг тўрт танч устуни дея эътироф этилган богча тарбиячиси, мактаб муаллими, олийгоҳларнинг профессор-ўқитувчилари ва илмий-ижодий зиёлилар кучига таянилаётгани диққатга сазовор. Энг муҳими, улларнинг ҳурмат-эътиборини ошириш, хусусан, муаллими ва устозларнинг қадри, шаъни ҳамда ғурурини тиклаш, машаққатли, айни пайтда шарофли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича ишлар янги поғонага кўтарилди.

Ўқилиш таълим-тарбиядан бошланади

Таълим тизимидаги, хусусан, олий таълимда бугунги кунда рўй бераётган сифат ўзгаришларини бундан ўн йил олдинги ҳолат билан мултола таққослаб бўлмайди. Шу соҳани ичидан яхши билган биз, профессор ва академиклар илмий фаолиятимиз мисолида бунга яққол гувоҳимиз. Давлатимиз раҳбари айтганидек, “Илм ва из-

ланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди”. Бугун мамлакатимизда олий таълим тизими ислоҳ қилиниб, олий ўқув юртларини дунё тан олган илм-маърифат, таълим ва инновация марказига айлантириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар замирида ҳам ана шу ҳаёт ҳақиқати ётибди.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган олий таълим муассасалари сони қисқа вақт ичида 215 тага етгани, энг асосийси, уларнинг қарийб 100 таси нодавлат олий ўқув юртлари ҳисобига тўғри келаятгани эътиборга молик жиҳат. Пировардида олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 44 фоизга, талабалар сони эса 270 мингдан 1,7 млн. нафарга етди. Шунингдек, хорижий тилларни интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сони 3,5 млн.дан ошиб арафасида. Иқтидорли ўқувчи ва талабалар нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчилар халқаро мусобақаларда 2 245 та медални қўлга киритди.

Олий таълимдаги янгиланишлар фақат сонда эмас, балки сифатда кузатилляпти. Буни Ўзбекистон Миллий университети ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети нуфузли халқаро рейтингларда дунёнинг энг яхши мингта олий таълим муассасаси қаторидан ўрин олгани мисолида кўриш мумкин.

Юртимизда бу борадаги ишлар изчил давом эттирилиб, 2030 йилга қадар қамида 5 та олийгоҳни умумий рейтинг бўйича, яна 10 тасини фан йўналишлари

рақобат шароитида мамлакатларнинг устуңлиги, аввало, билим, технология ва инсон капитали билан белгиланади. Президентимиз яқинда мамлакат ёшлари билан учрашувда уларга қарата айтганидек, “бугунги кунда давлатлар худуди билан эмас — билими билан, аҳоли сони билан эмас — технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас — инсон капитали билан рақобатга киришмоқда. Энди замонавий илм-фан ва тафаккур маҳсули бўлган янги иқтисодиёт — билимлар иқтисодиёти ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда”.

Шу боис бугун энг катта инвестиция айнан таълим соҳасига тикилмоқда. Буни статистик ҳисоботлар ҳам тасдиқлайди. Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, ўзбекистонликлар 2026 йилнинг дастлабки 5 ойда таълим хизматлари учун 18,8 трлн. сўм маблағ сарфлаган. Ўшбу кўрсаткич 2025 йилнинг со давлатига нисбатан 21 фоиз ошган. Таълим хизматлари таркибида олий таълим соҳасидаги хизматлар энг юқори улушга эга бўлиб, жами таълим хизматларининг 44,7 фоизини ташкил этди.

Жадид боболаримиз орзу қилган замон

Президентимиз фаолиятининг дастлабки йиллариданоқ янги Ўзбекистонни бунёд этишни, учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни мақсад қилиб қўярган, одамлар онгу тафаккурини ўзгартириш, ҳаётга қарашларини ислоҳ этиш, миллий ғурурни юксалтириш орқали янги давр кишисини тарбиялашни энг долзарб масалалардан бири сифатида илгари сурмоқда. Бу йўлда қиёси йўқ инқилобий ўзгаришлар амалга оширилиб, қатор кунон, фармон ва қарорлар имзоланди. Уларда маънавий-маърифий ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилан берилди.

Ушбу жараёнда таълим тизимини ривожлантириш баробарида, раҳбарларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, лавозим курсиларига лаёқатли ва истеъдодли инсонларни саралаб қўйиш чора-тадбирлари қўрилаётгани қувонарли ҳол. Чунки саноятлашган жамият ўз ўрнини билимга асосланган рақамли жамиятга бўшаёт бераётди. Дунёда билимли раҳбарлар ва билими йўқ инсонлар ўртасида янги чиқиқ тортиляпти. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан бугун “қумдаги марварид”лар терилиб, ёш, серғайрат ва бунёдкор ҳукумат шакллантирилмоқда. Бунинг учун кадрлар шунчаки танлаб олинмаяпти, аксинча, истеъдодли раҳбар кадрлар шакллантирилмоқда. Негаки, собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимида аънавий равишда меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилишнинг авторитар услуби кенг тарқалган эди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши, мамлакатдаги ижтимоий ҳаётни демократлаштириш жараёнлари, бизнес соҳаларининг кенгайтирилиши, хўжалик юртишнинг турли, жумладан, нодавлат шаклларининг вужудга келиши кадрлар салоҳиятини инновацион ўстириш ва раҳбарлик услубини тубдан ўзгариштириш қатъий талаб қилди. Шубҳасиз, бунда ҳам таълим нажоткор куч сифатида ёрдамга келди.

Биз озод ва обод юртининг бахтиёр фуқароларимиз. Энг катта бахтимиз шуки, жадид боболаримиз, улуғ алломаларимиз орзу қилган замонда ашяапмиз. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ҳамда учинчи Ренессансга асос солишдек тарихий жараёнга гувоҳ бўляпмиз.

Эндиликда бу оламшумул ўзгаришларнинг кузатувчиси эмас, унинг фаол иштирокчисига айланмоғимиз зарур. Зотан, қўшиллар билан ўрнатилган дўстона муносабатлар, тенг ҳуқуқли халқаро алоқалар, маданият ва маънавий хабҳасидаги эркинликлар, фан, таълим ва илмга берилаётган катта эътибор — булар шунчаки иш эмас. Уни чуқур ҳис этиш, ўзгартиш ва янгиланишни янада бойитиш учун ҳамма ўз юрагида инқилоб қилиши лозим. Уйғониш керак! Богча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчиларидан тортиб, катта-кичик мутахассислар, раҳбарлар — барча бирде янги Ўзбекистон ҳиссидан уйғонилишимиз шарт. Мудраб ётмаслигимиз зарур.

Унутмайлик, мудроқлик, ҳафсаласизлик жонажон Ўзбекистони-миз тараққиётига фақат тушов бўлади.

Завқу шавқни, шиҳоат билан ишлашни янги Ўзбекистон меъморидан ўрганайлик!

Бақридин ЗАРИПОВ,
биология фанлари доктори, профессор, Жаҳон физиологлар жамияти (Стокгольм) академиги, «Дўстлик» ордени соҳиб.

МАДАНИЙ ДИПЛОМАТИЯ – ТАШҚИ СИЁСАТНИНГ ТАЪСИРЧАН ҚУДАРАТИ

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбарига тақдим этилган маданият ва санъат соҳасидаги истиқболли лойиҳаларда миллий маданий меросни асраб-авайлаш, уни илмий асосда ўрганиш ва энг муҳими, дунё жамоатчилигига муносиб тарзда тақдим этиш масалалари устувор ўрин эгаллади.



Хусусан, 2026 йил сентябрь ойда Доҳадаги Ислом санъати музейида ўтказилиши режалаштирилган “Uzbekistan: Heritage in Motion” кўргазмаси ҳамда шу йил ноябрь ойда Миландаги “Prada Foundation”да ташкил этиладиган “Global Antiquity” халқаро археология кўргазмаси Ўзбекистоннинг бой цивилизация меросини жаҳон илмий ва маданий жамоатчилигига кенг намойиш этади. 2027 йилда эса Венециядаги Палаццо Гримани ва Япониянинг Нара миллий музейида бронза давридан илк Ўрта асрларгача бўлган тарихимизни акс эттирувчи 200 дан ортиқ археологик топилмаларнинг кўргазмаси уюштирилиши режалаштирилган. Миландаги Қироллик саройи (Палаццо Реале)да эса 150 дан зиёд амалий санъат намуналари — сўзана, икат, олтин каштачилик ва заргарлик буюмлари намойиши иштирокчилари ҳайратини оширишига ишонамиз.

Бу Ўзбекистоннинг тарихий мероси дунё музейлари ва илмий марказлари томонидан юксак эътироф этилаётганини англатади. Шу билан бирга, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айланган маданий дипломатия давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва шерикликни мустаҳкамлаш, иқтисодий ҳамкорликни рағбатлантириш, инвестициялар ва туризм оқимини кўпайтириш ҳамда халқлар ўртасидаги гуманитар алоқаларни кенгайтиришда самарали механизм сифатида намоян бўлаётгани ифодасидир.

Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган сиёсатнинг яна бир муҳим жиҳати — маданий меросни сақлаш ва унинг замонавий инфра-тузилмасини шакллантиришга қаратилаётган эътибордир. Пойтахтимизнинг марказида жойлашган Романовлар саройида Давлат санъат музейи филиалининг ташкил этилиши, унда 300 га яқин экспонатлардан иборат доимий экспозиция яратилиши, Мухтор Ашрафий уй-музейининг реставрация қилиниши ва уни замонавий мультимедиа, хавфсизлик ҳамда

музейлар, креатив иқтисодиёт ва халқаро гуманитар ҳамкорлик соҳасида қабул қилинаётган қонунлар ҳамда амалга оширилаётган парламент назорати мазкур ислохотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга ҳисса қўшади. Зеро, кучли ҳуқуқий асос ва самарали парламент назорати маданий дипломатия соҳасидаги давлат сиёсатининг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омиллардан биридир.

Шу маънода, маданий дипломатия нафақат мамлакатимизнинг бой тарихи ва миллий қадриятларини жаҳонга танитиш, балки Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қиладиган узоқ мuddатли стратегик йўналиш сифатида ўз аҳамиятини янада ошириб бормоқда.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида жойлашган Мингтепа археологик ёдгорлигида олиб борилаётган тадқиқотлар давомида милодий VIII асрга оид эҳтимолий ҳукмдорлар саройининг меъморий қолдиқлари аниқланди.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

АҚШ, Мексика, Канада футбол майдонларида қарийб 40 кун давом этган жаҳон чемпионати ўз якунига етди.

Йигирма учинчи бор ташкил этилган мундиаль тарихда турли рекордлар билан ёлди қоладиган бўлди. Биринчи навбатда, жаҳон биринчилиги илк бор 3 та мамлакатда ўтказилди. Канада биринчи марта мезбонлиқни қўлга киритган бўлса, АҚШда иккинчи марта (1970 ва 1986 йиллар) турнир муваффақиятли уюштирилди.

2026 йилги шиддатли баҳсларда стадионларга ташриф буюрган мухлислар сони бўйича янги рекорд ўрнатилди.

“Reuters” ахборот портали маълумотига кўра, турнирнинг 104 та учрашувини жами 6 млн. 810 минг 966 нафар томошабин бевосита жонли кузатган. Аввалги рекорд 1994 йилда АҚШда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида тегишли эди. Ўша мундиаль ўйинларида жами 3 млн. 587 минг 538 нафар мухлис келган. Шу тариқа “ЖЧ — 2026” кўрсаткичи аввалги рекорддан қарийб икки баравар юқори бўлди.

Мусобақа иштирокчилари сони эса 48 тага етказилиб, мазкур мундиальда 4 та миллий терма жамоа — Ўзбекистон, Иордания, Кабо-Верде ва Корсаа давлатлари ўз деютилари билан мухлисарига чексиз қувонч бағишлади. Хусусан, 34 йиллик орауларнинг рўёбига сабабчи Ўзбекистон миллий терма жамоаси мундиальдаги “К” гуруҳида дунё футболда ўз ўрнига эга Португалия, Колумбия ва Африка қитъасида шов-шув кўтарган Конго ДР терма жамоаларига қарши куч синнади. Тўғри, натижалар мактангулик бўлмасада, футболчиларимиз кўрсатган ўйин қучли танқидлардан йироқ эди. Турнирда Жаҳонгир Урозов ва Бехрўз Каримов каби ёшлар кашф этилди. Ҳозирда уларга хориж клубларидан жиддий таклифлар бор. ФИФА тасдиқ қилган расмий статистикага кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳи-

моячиси Абдуқодир Хусанов мундиаль давомида 36,46 км/соат тезлик қайд этди. Ҳимоячи барча футболчилар ўртасида 6-ўринни эгаллаган бўлса, позициядошлари орасида 3-ўрини забт этган.

Турнир финалида Испания терма жамоаси Аргентинани 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Учинчи ўрин учун ўтказилган баҳсда эса Англия терма жамоаси французлар устидан 6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

“Манчестер Сити” яримҳимоячиси Родри 2026 йилги жаҳон чемпионатининг “Энг яхши футболчиси” деб топилди.

30 ёшли футболчи “Олтин тўп” соҳибни Аргентина устидан қозонилган финал ғалабасидан сўнг топширилди. Шунингдек, Килиан Мбаппе сазкиз учрашувда ўнга гол уриб, энг яхши тўпурар сифатида “Олтин бутса”ни қўлга киритди.

Испания терма жамоаси аъзолари жаҳон биринчилигининг бошқа асосий индивидуал мукофотларига ҳам эга чиқди. Дарвозабон Унаи Симон турнирнинг энг яхши посбони сифатида “Олтин қўлқоп” билан тақдирланди. У сазкизта учрашувнинг еттигасида ўз дарвозаси дахлсизлигини сақлаб, бутун мусобақа давомида фақат бир марта гол ўтказди.

“Барселона” жамоаси ҳимоячиси 19 ёшли Пау Кубарси жаҳон чемпионатининг “Энг яхши ёш футболчиси” дея эътироф этилди.

Энди навбатдаги жаҳон чемпионати 2030 йилда Испания, Португалия ва Марокаш мезбонлигида ўтказилади. Мундиальнинг 100 йиллиги муносабати билан турнирнинг дастлабки учта учрашувни Жаҳоний Американинг Уругвай, Аргентина ва Парагвай давлатларида ташкил қилиниши режалаштирилган.

Суннатилла ИСЛОМОВ

(“Халқ сўзи”).

Юртимиз ёшлари — «Gothia Cup — 2026» ғолиби

Швециянинг Гётеборг шаҳрида дунёдаги энг йирик ёшлар ва инклюзив футбол мусобақаларидан бири — «Gothia Cup — 2026» халқаро турнири бўлиб ўтди.



1975 йилдан буюн аънаъаний равишда ўтказиб келинаётган ушбу мусобақада бу гал дунёнинг 78 мамлакатидан 1 956 та жамоа иштирок этди. Ва 124 та майдонда қарийб 4 900 та ўйин бўлиб ўтди.

Турнир доирасида минглаб ўйинчилар турли ёш тоифалари ва йўналишлар бўйича ўзаро баҳс олиб бориб, спорт орқали дўстлик, ўзаро ҳурмат ва инклюзивлик ғояларини кенг тарғиб қилди.

Мусобақада мамлакатимиз шарафини “Special Olympics Uzbekistan” ташкилотининг ўғил болалар ва қизлар жамоалари муносоиб ҳимоя қилди. Ўзбекистон делегацияси турнир давомида юқори спорт маҳорати, жамоавий ҳамжihatлик ва ғалабага интилишнинг намоян эди.

Турнир якунларида кўра, юртимизнинг ўғил болалар жамоаси ўз тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, чемпионлиқни қўлга киритди. Қизлар жамоаси эса финалда қадар муваффақиятли иштирок этиб, мусобақанинг қумуш медали соҳиб бўлди.

“Дунё” АА.

Гётеборг

ҒОЯДАН САНОАТГАЧА

УНИВЕРСИТЕТ ИЛМИ ҚАЧОН ЗАВОД МАҲСУЛОТИГА АЙЛАНАДИ?

Бугунги кунда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида бир ярим миллиондан зиёд талабалар таҳсил олмақда. Бу улкан салоҳият, дегани. Бироқ у ўз-ўзидан янги технология, янги маҳсулот ва янги иш ўринларига айланмайди. Бунинг учун илм билан ишлаб чиқаришни боғлайдиган махсус “кўприклар” — илмий парклар зарур.

Нуктаи назар


Дунё иқтисодиётида рақобат фақат хомашё ёки арзон ишчи кучи билан эмас, билим, технология ҳамда инновация ҳисобига олиб борилади. Университет лабораториясида тузилган ғоя прототипга, прототип саноат намунасига, у эса бозордаги маҳсулотга айланиши учун бутун бошли занжир узлуқсиз ишлаши керак. Жаҳон тажрибасида бу занжирни айнан илмий парклар бошқаради.

Ҳўш, Ўзбекистонда бу борада қандай имкониятлар бор ва улардан қандай фойдаланиш лозим?

Бу борада бизда салоҳият етарли, фақат уни тизимли ишга солиш керак, холос. Рақамларга назар ташлайлик. Миллий статистика қўмитаси маълумотида кўра, 2025/2026 ўқув йили бошида юртимиз олий таълим ташкилотларида 1 млн. 535 минг нафар талаба таҳсил олган. Олийгоҳлар сони филиаллари билан бирга 222 тага, хорижий олий ўқув юртлири эса 30 тага етган. Бу кичкина кўрсаткич эмас.

Бундан ташқари, айни йўналишда ҳуқуқий замин ҳам яратилган. Жумладан, “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”, “Инновацион фаолият тўғрисида”, “Таълим тўғрисида”ги қонунлар, Президенти-мизнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси устувор вазифа этиб белгиланган.

Аммо тан олиш керак, ҳуқуқий имконият билан амалий натижа ўртасида ҳали институционал бўшлиқ сақланиб қолмақда. Айрим университетларда ихтирони баҳолаш, лицензия шартларини ишлаб чиқиш, олим ва даргоҳ улушини белгилаш, корхона буюртмасини илмий мавзуга айлантириш бўйича аниқ ички тар-



тиб-қоидалар етишмайди. Натижада истеъдодли олимнинг ишланмаси мақола ёки патент даражасида қолиб, заводга етиб бормайди. Бу борада мактанса арзигулик яхши ишларимиз ҳам йўқ эмас. Яъни мамлакатимизда инновацион инфратузилманинг муваффақиятли намуналари шаклланиб улгурган. “IT Park Uzbekistan” бунга ёрқин далил. Расмий маълумотга кўра, 2025 йил июлига келиб бу экотизимда 2 990 дан ортқ компаниялар фаолият юритган, 44 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган, рақамли маҳсулотлар 90 та мамлакатга экспорт қилинган. Имтиёзлар, “бир дарча” хизмати ва кадрлар экотизими биланшганда қандай тез ўсишга эришиш мумкинлигини шу тажриба кўрсатди.

Яна бир мисол — “Tashkent Pharma Park” фармацевтика кластери учун 190 гектар майдон ажратилган бўлиб, биринчи босқичда маъмурий марказ, тадқиқот маркази, дори воситалари хавфсизлиги лабораторияси, клиник тадқиқотлар маркази ва Фармацевтика техник университетини қамраб олувчи технопарк барпо этилмоқда. Бу — университет, лаборатория, назорат идораси ва ишлаб чиқарувчиси бир занжирга бирлаштирган модель.

Бироқ бир ҳақиқатни унутмаслик лозим: илмий парк — бу шунчаки бино ва имтиёзли майдон эмас. Агар парқда фақат ижара тақлиф этилсау университет лабораториялари, олимлар ва талабалар билан мунтазам алоқа бўлмаса, у илмий парк эмас, оддий кўчмас мулк лойиҳаси бўлиб қолади. Паркнинг қиймати деворларида эмас, технологиялар трансфериди.

Шу ўринда, “университет — саноат” ҳамкорлигини секинлаштираётган

тўртта тизимли муаммони алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Биринчиси, ахборот асимметрияси, яъни корхоналар университетларда қандай лаборатория ва мутахассислар борлигини билмайди, университетлар эса корхоналарнинг технологик муаммоларидан беҳабар. Ечим оддий: ҳар йили янгиладиган “технологик муаммолар банк”и ва “университет компетенциялари каталоги”ни ягона рақамли платформада боғлаш масаласи билан боғлиқ.

Иккинчиси, профессионал воситачилар етишмаслиги. Олим ҳар доим ҳам бозор ҳажми, патент ландшафти ва инвестиция таклифини мустақил ишлаб чиқа олмайди.

Учинчиси, молиялаштиришдаги “ўлим водийси”: грантлар тадқиқотга, инвестор эса тайёр маҳсулотга қизиқади, ўртадаги прототип ва саноат синови босқичи эса молиясиз қолади.

Тўртинчиси, натижани баҳолаш тизими: форум ва меморандумлар сони эмас, жорий этилган технология, лицензия даромади ва яратилган иш ўрни асосий мезон бўлиши керак.

Ана шу муаммоларга ечим сифатида Тошкент кимё-технология институтини негизда ихтисослаштирилган илмий парк ташкил этиш модели ишлаб чиқилди. Бу умумий йўналишдаги бизнес-инкубатор эмас — кимё, озик-овқат, нефть-газ, қурилиш материаллари, биотехнология, фармацевтика ва экологик муҳандисликка ихтисослаштирилган технологик платформа бўлади.

Парк беш контурдан иборат: саноат муаммоларини техник топшириққа айлантирувчи марказ; умумфойдаланишдаги лаборатория ва прототиплаш маркази; технологиялар трансфери ва интеллектуал мулк офиси; стартап ва спин-офф акселератори; саноат докторантураси ва дуал таълим платформаси. “Ўзкимёсаноат” тизими, нефть-газ ва озик-овқат корхоналарининг реал буюртмалари паркиннинг асосий “ёқилгиси” бўлади.

Устувор йўналишлар ҳам аник: махсус кимёвий реагентлар, сув тозалаш сорбентлари ва мембраналар, саноат катализаторлари, биоахралувчи қадоклаш материаллари, қурилиш ва маиший кимё,

чиқиндилардан иккиламчи маҳсулотлар, энерготехамкор технологиялар. Буларнинг барчаси — бугун четдан валютага сотиб олинаётган маҳсулотлар. Ҳисоб-китобларга кўра, дастлабки йилнинг ўзида камида 30 та верификацияланган саноат муаммоси, 10 та технология паспорти, 3 та лицензия ва 5 та юридик стартап яратиш кўзда тутилган.

2026 — 2030 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” босқичма-босқич қурилган: ташкилий дизайндан пилот экотизимга, ундан масштаблаш, тармоқ интеграцияси ва барқарор молиявий моделга. 2030 йилга бориб парк даромадининг салмоқли қисмини ташқи буюртмалардан олиши, халқаро аккредитациядан ўтиши режалаштирилган.

Энг муҳим ҳулоса шуки, кейинги босқичда асосий эътибор янги бинолар қуришга эмас, университет билимларини саноат муаммолари ва бозор имкониятлари билан боғлайдиган профессионал механизмларни шакллантиришга қаратилиши керак. Технологийлар трансфери офиси, умумфойдаланиш лабораториялари, прототипдан саноат намунасигача молиялаштирувчи фондлар, саноат докторантураси ва шаффоф интеллектуал мулк сиёсати — мана шу занжирнинг асосий халқалари.

Айни пайтда бир шартни қатъий таъминлаш зарур: инновация тезлиги ҳеч қачон хавфсизлик ва жамоат манфаатлари ҳисобига оширилмаслиги лозим. Айниқса, кимё, фармацевтика ва озик-овқат соҳаларида лаборатория сифат тизими, метрология ва сертификатлаш талаблари лойиҳанинг илк босқичиданоқ ҳисобга олиниши шарт.

Бир ярим миллион талаба, юзлаб лаборатория, ўсиб бораётган саноат — барча бўлақлар жойида. Уларни ягона “ғоядан саноатгача” занжирига бирлаштира олсак, университетларимиз нафақат кадрлар ўчоғи, балки иқтисодиёти-мизнинг ҳақиқий инновацион двигателига айланади.

Ботир УСМОНОВ,
Тошкент кимё-технология институтини ректори, техника фанлари доктори, профессор.



АСАЛАРИ КЎРМАСИН ЗАВОЛ

Табиатнинг бу мўъжизасини асраб-авайлаш кимга боғлиқ?

Яратганнинг том маънода мўъжизаси саналган асалари ва унинг маҳсулотлари шифобахш. Синчиклаб кузатсангиз, бу жониворлар шу қадар заҳмату аҳиллик тимсолики, кўнгилларга завқ улашади. Ва яна асаларичилик билан шуғулланиш инсоннинг ўзига ҳам, оиласига ҳам руҳий қувват бағишлайди. Бу жониворнинг қаҳиқобқ нобуд бўлиши, заҳрининг кишига азоб эмас, балки қувватлантирувчи сифатидаги таъсирида ҳам бекиёс ҳикмат бор. “Камбағалликдан, фарзандларингизни ялқовликдан халос этмоқчимисиз, асаларичиға айланинг”, дейди донолар. Нақадар ҳақ гап. Бу жонивор энг сара гуллардан, тоғлару қирлардаги, дарактарлу буталардан нектар йиғида, қалби меҳрга тула шоир сингари дунёни эзгуликка қулғасиги келади, гўё.

Муаммо ва ечим

Она табиатда табиий мувозанатни сақлаш, экинларни чанглатиш ва шу орқали ҳосилдорлиқни оширишда асалари оиласининг ўрнини босадиган беминнат кўмакчининг ўзи йўқ. Баъзи олимлар, мабодо, асалари қирилиб кетса, Ер юзиди ҳаёт тугайди, деган фикрда. Қайси ёшда бўлмисан, шу соҳага кирган киши қўп ҳам хасталикка учрамаслигини эса “COVID-19” пандемияси даврида асаларичилар орасида хасталик учрамагани мисолида яққол кўрдик.

Мутахассисларнинг эътироф этишича, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 апрелдаги “Асалари оилаларини жойлаштириш, қўриқ ва улар нобуд бўлишининг олдини олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори соҳа ривожига жиддий туртки беради. Чунки ушбу ҳужжатга кўра, ер эгаси ўза майдонларига кимёвий воситалар ишлатиладиган аввал асаларичини “Жониворлар қўним топган қўтиларингизни хавфсиз жойга қўйинг”, дея огоҳлантириши шарт. Шунингдек, қарорда асаларилар нобуд бўлишининг ол-

дини олиш ишларига Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, бошқа тегишли идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, қолаверса, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, барча ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар шахсан масъул эканлиги белгиланган бўлиб қўйилди.

Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси раисининг ўринбосари Наврўз Барақаевнинг айтишича, ҳойларда мазкур қарор мазмун-моҳиятини тушунтириш ишларига жиддий қиришилган. Ушларга ҳафта Фарғона водийсидаги учта вилоятда бундай тадбирлар ўтказилиб, уларда мутахассислар, таникли олимлар қатори соҳа билимдонлари, тажрибали асаларичилар ҳам иштирок этишди.

Дарвоқе, юқоридаги ҳужжатда соҳани рақамлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилган. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги уч ой мuddатда “Agroko”makchi” мобил дастури-нинг “CropAgro” ахборот тизими-га интеграция қилиниши ва бу тармоқдан Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси мунтазам равишда фойдаланиши учун зарур имкониятлар яратилади.

Ҳўш, асаларичини огоҳлантириш масаласига нега давлат миқёсида эътибор қаратишда? Нега асалари завод кўрмасин, соҳани ривожлантириш орқали рўзгорингиз тўқин бўлсин, юртимизнинг бу борада ҳам салоҳияти ошсин, деган талаб қўйилмоқда?

Едингида бўлса, бундан роппароса бир йил аввал газетамиз ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида “Фермер кимёвий воситаларини мени огоҳлантирмасдан сепгани сабабли пахтазорнинг четига қўйилган асалариларим ёппасига қирилиб кетди”, мазмундаги ташвишли хабарлар эълон қилинган. Аслида эса ўзгани чанглатиб, ҳосилдорлиқни оширгани боис пахтачилик билан шуғулланаётган кластер асаларичиға хизмат учун ҳақ тўлаши керак эди. Ривожланган давлатлар, масалан, АҚШда, Хитойда шундай. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 12 июндаги “Асаларичилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва қишлоқ ҳўжалиги эканлигини асалари билан чанглатишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди ҳам бу талаб ўз аксини топган. Шунга қарамай ўз аксини қарорда чанглатиш хизмати учун тўлов ўрнига пахтазорга дори пулқалди ва пайкал четига қўйилган улар асалари ўлигига тўлиб кетди.

— Еёёёон, Олтиарик, Қўштепа туманларида минглаб асалари оилалари қирилиб кетди. Масалан, ёёёонлик Шерзод Мирзамаммудов бир кунда 30 уя асаларисидан маҳрум бўлди. Агар ҳар бир оила бир мавсумда 20 килограмм асал беришини, болнинг қилосини камида юз минг сўмдан сотиш имкони борлигини эътиборга олсак, қўрилган

зарар 60 млн. сўмни ташкил этади. Энди буни вилоят ва республика миқёсида хомчут қилиб кўраверинг, — дейди фарғоналик мутахассис Шерали Суяркулов. — Яна бир гап: бугун республикамиз бўйича ҳар уя асалари оиласига тўғри келаётган беш микдори 6 килограммдан ошмайди. Бу жуда кам. Ваҳоланки, асал ишлаб чиқариш ва унинг экспортини ҳозиргиға нисбатан камида беш қарра ошириш мумкин.

Асаларичилик отақасб бўлган шўрчилик Равшан Ўбайдуллаев ўтган йил 80 уя асалари оиласидан маҳрум бўлди. Сабоби, у билан ҳамкорлик қилган фермер “қатталар”нинг қистови билан далага дори сепган. Зарарни ким тўлайди? Ҳеч ким. Ваҳоланки, Равшаннинг укаси ҳам фермер, у пахтазорда биологик усулни қўллаиди, заҳар сепмайди. Чунки асаларичилик касбининг нечоғли машаққатли, айни пайтда савобли эканини яхши билади-да.

Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмита раиси Анвар Тўйчиевнинг таъкидлашича, асаларичилик соҳасидаги мавжуд муаммоларнинг ечими соҳа манфаатини ҳимоялайдиган қонуннинг қабул қилинишига ҳам боғлиқ. Бу масала Сенат қўмитаси йиғилишида кўтарилган. Шу боис тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқ-

да. Унда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини назарда тутган ҳолда озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги билан боғлиқ халқаро тажриба, маҳаллий шарт-шароитлар ҳам эътиборга олинади.

Булоқбоши туманида яшовчи тажрибали асаларичи Одижон Уринов эса муаммоларнинг янада ташвишли жиҳатиға ургу беради.

— Бу ерда гап фақат асалари оиласининг нобуд бўлаётганида эмас, балки аҳоли ўртасида, айниқса, далада ишлайдиган аёллар орасида саратон касали кўпайиб бораётгани, биз ўзимизни ўзимиз заҳарлаётганимиз ҳақида бормоқда. Асалариларнинг ўлими кўриниб турган ҳолат, одамларнинг зимдан умрини қирқаётган иллатни эса ҳеч ким тан олишни истамапти. Асаларичилар уюшмаси ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу идоранинг қўли қалта, у гоҳ Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги тизимиға ўтади, гоҳ Савдо-саноат палатаси таркибига киритилади. Яқинда эса Озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги қўмитаси ихтиёриға берилди. Аччиқ бўлса-да, айтмай, уюшма ўтган йил ҳам, менимча, бу йил ҳам асаларичиларни ҳимоя қила олмайди. Шу боис чанглатиш мавсуми бошланиб кетган бўлса-да, қўпчилик ўза майдонлари четига асалари оилаларини олиб боришга қўнғипти. Чунки ўтган йилгидек аҳвол такрорланиши мумкин-да, — дейди у.

Абдуноби АЙҚУЛОВ
(“Халқ сўзи”).

2026/2027 ўқув йили учун олий таълим муассасалари талабаларига республика бўйича жами 776 та давлат стипендияси ажратилади, шундан 187 таси Президент стипендияси ҳиссасига тўғри келади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 19 551 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Тахриратта келган қўлағмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг стазиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилиши “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-ўй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.46 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6